

# НОРМА МАСЪУЛАТЧИ

СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

## АУДИТ ТЕКШИРУВИ МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

*Қонун ижодкорлиги йўлида профессионал парламент тизимининг яратилганлиги мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказаяпти. Хусусан, улар томонидан тайёрланиб, татбиқ этилаётган ҳар томонлама пухта қонунлар юртимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни янада жадаллаштириш, жамиятда ушбу соҳалар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг ишлаш механизмининг янги босқичга олиб чиқиш имконини бермоқда. Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси кун тартибига қўйилган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Мухбиримиз ушбу Қонун юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзоси Сулаймон ўроқов билан суҳбатлашди.*

– Сулаймон Саломович, навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётига дахлдор бир неча қонунлар киритилган. Шулар қаторида «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам бор. Суҳбатимиз аввалида ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишига қандай омиллар туртки бергани ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Мамлакатимизда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирларни жадаллик билан ривожлантириш, аудит тизимидаги ишларни талаб даражасига кўтариш, аудитни бизнес самарадорлигини баҳолашнинг амалий воситасига айлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу боис, ўтказилган аудиторлик текширувларини юқори – профессионал даражада ташкил этиш, шунингдек аудит тизимининг молия бозорида етарли ишонч қозонишига эришиш мақсадида амалдаги қонунни ўзгартиш зарурати туғилди. Қолаверса, мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги «Аудиторлик ташкилотлари фао-

лиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Умуман, аудиторлик соҳаси фаолияти таҳлили ҳам мана шу ўзгартиш ва қўшимчаларга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Кўпгина ҳолатларда ушбу соҳада аудиторлар ўзлари фаолият юритаётган аудит ташкилотлари мавқеини сақлолмаётгани, аудиторларнинг расман бир аудиторлик ташкилотини штатига киритилган ҳолда бошқа аудиторлик ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида текширувлар ўтказётганлиги маълум бўлди. Бу, табиийки, аудиторларнинг текширувларни ўтказишга юзаки қараётганлигидан ҳамда текширишларни мижозлар билан келишиб амалга ошираётганлигидан далолат беради. Бу эса, амалда ўзининг салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.


– Айтингчи, Қонунга қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда?

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида қайд этилган қароридан келиб чиқиб ҳамда амалдаги Қонунга биноан «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низом тасдиқланган эди. Ушбу Ни-

зомнинг 3-бандига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари фаолиятларининг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Янги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётган Қонун ҳам аудиторлик фаолияти тамойилларини белгилаб берувчи алоҳида модда билан тўлдирилмоқда.

Аудиторлик ташкилоти устав капиталининг 51 фоиздан кам бўлмаган миқдори мазкур аудиторлик ташкилотининг бир ёки бир неча штатдаги аудиторларига тегишли бўлиши шартлиги белгилаб берилган, шунингдек амалга ошириладиган аудиторлик текширувларининг туридан келиб чиққан ҳолда аудиторлик ташкилотининг энг кам штат бирлиги ҳам аниқлаб берилган. Негаки, амалиёт аудиторлик ташкилотлари ўз штатларида иккитадан ошмаган миқдорда аудиторга эга эканликларини ва бундай вазият уларнинг йирик хўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувларини ўтказма олмастикларини кўрсатмоқда.

Аудиторлик ташкилоти фаолиятида лицензия талаблари ва шартларига риоя этишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда амалдаги Қонуннинг 7-моддасига аудиторлик ташкилотининг мазкур талаб шартларига риоя этиш мажбуриятини таъкидловчи қўшимчалар киритилмоқда. Шунингдек, аудиторларнинг бир йилда бир марта малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаш, аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун аудиторларнинг республика жамоат бирлашмиси сўровига кўра ахборот тақдим этиш каби нормалар белгиланмоқда. Қонунга киритилган қўшимчаларга кўра, аудиторлик ташкилотининг раҳбар 3 йилда бир марта махсус ваколатли давлат органи



томонидан аттестациядан ўтиши лозим.

Шу билан бир қаторда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан боғлиқ меъёрга киритилаётган ўзгартиш назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг топшириғига биноан фақат аудиторлик ташкилоти билан назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тузилган шартнома асосида турли текширувларни ўтказишда мутахассислар иштирок этиши белгилаб қўйилмоқда.

– Шу ўринда бир савол туғилади. Хўш, мутахассислар иштирокидан кўзланган мақсад нима?

– Албатта, бу савол кўпчиликда туғилиши табиий. Мутахассисларнинг иштироки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аудиторларни мажбурий тарзда текширувларга жалб этиш ҳолатларининг олдини олиш, аудиторлик ташкилотлари ва уларнинг аудиторлик текшируви натижалари учун жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, аудиторлик ташкилотларининг битта хўжалик юритувчи субъектда уч йилдан ортиқ кетмакет текширув ўтказиши тақиқланган. Шунингдек, амалдаги қонуннинг айрим изоҳталаб қисмлари янада аниқлаштирилиб, нормалар қатъий белгиланмоқда.

Қ.ХИДИРОВ суҳбатлашди.  
«Халқ сўзи», 2007 йил 18 август.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 21 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1042,18	1 Малайзия ринггити	363,96
1 Англия фунт стерлинги	2538,55	1 Польша злотийси	451,04
1 Дания кронаси	231,15	1 СДР	1938,67
1 БАА дирҳами	346,01	1 Туркия лираси	952,48
1 АҚШ доллари	1270,80	1 Швейцария франки	1050,68
1 Миср фунти	225,38	1 ЕВРО	1719,39
1 Исландия кронаси	19,06	10 Жанубий Корея вони	13,56
1 Канада доллари	1189,66	10 Япония иенаси	107,18
1 Хитой юани	167,46	1 Россия рубли	49,69
		1 Украина гривнаси	251,64

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	22.08.2007	1	0,8531	1	1,149	1	0,0329
Арманистон	21.08.2007	1	336,93	1	454,05	1	13,09
Беларусь	23.08.2007	1	2147	1	2895,98	1	83,09
Грузия	23.08.2007	1	1,663	1	2,2424	1	0,0644
Қозғистон	23.08.2007	1	125,11	1	168,7	1	4,84
Кирғизистон	14.07.2007	1	37,95	1	52,3312	1	1,4886
Латвия	23.08.2007	1	0,522	1	0,702804	1	0,0202
Литва	23.08.2007	1	2,56	1	3,4528	10	9,9167
Молдова	22.08.2007	1	11,9188	1	16,0993	1	0,4608
Тожикистон	23.08.2007	1	3,4415	1	4,6488	10	1,3318
Ўзбекистон	21.08.2007	1	1270,8	1	1719,39	1	49,69
Украина	22.08.2007	100	505	100	682,154	10	1,9541
Эстония	22.08.2007	1	11,6004	1	15,6466	1	0,449199

Манба: [www.prime-tass.ru](http://www.prime-tass.ru)

### АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОҲОБЧАЛАРИДА 2007 ЙИЛ 21 АВГУСТ ҲОЛАТИГА ЎЗБЕК СЎМИГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КУРСИ

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	харид	сотиш	харид	сотиш
ЎЗР ТИФ МБ	1272,00	1275,00	1720,00	1740,00
“Асака” банки	1272,00	1275,00	1720,00	1725,00
“Ўзсаноатқурилишбанки”	1271,00	1275,00	1720,00	1730,00
“Пахтабанк”	1271,00	1276,00	1720,00	1725,00
Халқ банки	1271,00	1275,00	1720,00	1730,00
“Ипотека-банк”	1274,00	1277,00	1720,00	1725,00
АБН АМРО банк НБ Ўзбекистон А.Ж.	1272,00	1274,00	1721,00	1724,00
“UzKDBбанк”	1272,00	1276,00	1750,00	1753,00
“Ғаллабанк”	1271,00	1275,00	1720,00	1729,00
“Трастбанк”	1271,00	1276,0	1720,00	1730,00
“Алп Жамол банк”	1272,00	1276,00	1720,00	1727,00
“Алоқабанк”	1270,50	1276,00	1720,00	1746,00
“Ў-Т банк”	1271,00	1275,00	1724,00	1740,00
“Туронбанк”	1272,00	1280,00	1720,00	1729,00
Ўзбекистон-Германия “Савдогар” АТБ	1271,00	1277,00	1720,00	1735,00
“Ипак йўли” банки	1274,00	1275,00	1723,72	1725,07
“Микрокредитбанк”	1272,00	1277,00	1721,00	1728,00
“Туркистон” банк	1275,00	1281,00	1745,00	1755,00
“Даврбанк”	1271,00	1278,00	1720,00	1730,00
“Кредит-Стандарт” банки	1271,00	1275,00	1719,50	1745,00
“Капитал банк”	1271,00	1276,00	1719,40	1745,00
“Содерат банк”	1272,00	1275,00	1720,00	1740,00
“Ҳамкор банк”	1270,00	1276,00	1700,00	1740,00
“Универсал банк”	1278,00	1281,00	1726,00	1733,00
“Парвинабанк”	1270,00	1273,00	1721,00	1723,00
“Равнақбанк”	1273,00	1281,00	1720,00	1740,00

## ҲАФТАНИНГ САЛМОҚЛИ САВОЛИ:

**МАМЛАКАТИМИЗДА KEYINGИ ЙИЛЛАРДА ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ УЧУН КЎПГИНА ИШЛАР ҚИЛИНДИ. МОЛИЯ-СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАГИ KEYINGИ ҚАДАМ, СИЗНИНГЧА, ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?**

● «Мовароуннахр» кўшма корхонаси бош бухгалтери Хилола Алимухамедова:

– Ҳисоботларни интернет орқали солиқ органларидан ташқари статистика органларига ҳам юбориш имконияти бўлиш жуда-жуذا истардик. Бу нарса бланка ва қоғозлар билан ўралашиб юриш ташвишдан ҳоли этади, вақтни ҳам тежайди. Ҳисоботларни олиб бориб топширишнинг ўзига озмунча вақт кетадими, ахир?!?

Ҳозирча биз солиққа доир ҳисоботларни шу йўсунда жўнатмоқдамиз. Бу жуда ҳам қулай. Афсуски, бу тажриба ҳозирча фақат Миробод туманида қўлланилмакда. Ҳисоботни ҳатто ўз уйингдан туриб юборишнинг ҳам мумкин. Айтилик, ҳисоботни топширишнинг охириги мuddати ойнинг 15-куни бўлса, уни 14-куни 23.55 да юборишим мумкин. Санаси қатъий тарзда қайд этилади, шу сабабли кўнгилсиз оқибатлардан, жарима жазосига мубтало бўлишдан ҳоли этади. Яна бир гап: ҳар бир электрон солиқ ҳисоботида уни қўлланишга доир йўриқнома бўлиб, унда муайян сатр нимани аниқлаши ҳамда унга қандай маълумотлар киритиш зарурлиги хусусида тушунтириш ҳам берилган. Бугунги кунда бу усул ҳисоботларни ДСИга шу тизим орқали юборадиган ҳар қандай бухгалтер учун бебаҳо ёрдамчи бўлиб қолди.

Таассуфки, ҳозирча статистика ҳисоботини топширишда бунақа тартиб жорий этилмаган. Давлат статистика кўмитаси ўз бўлимларида ҳисоботларни қабул қилиб олишнинг бу тизимини жорий этишини жуда ҳам хоҳлардик.

Умуман олганда, гапнинг рости, статистика органларига ҳисобот такдим этишнинг моҳияти менга унча аниқ эмас. Уларнинг маълумотлари монополияга қарши курашувчи тузилмаларга ёки банкротлик бўйича бўлимларга юборилишини ҳамма билади. Билишимча, статистика органлари асосан шу нарса билан шуғулланадилар. Моҳиятан олганда, бу ишни солиқ инспекцияси ҳам бемалол уddaлай олади-ку?!.

● Чет эл корхонаси бош бухгалтери Ҳалима Фаёзова:

– Йирик корхоналар статистика органларига бир-бирини такрорладиган бир дунё ҳисобот топширадилар. Турли вақтда топшириладиган ҳисоботларнинг бир неча шакллари бор, аммо улардаги корхонага оид маълумотлар бир хил бўлади. Саноат корхоналари бунақа ҳажмдаги статистика ҳисоботи топшириши фалати эмасми? Ҳисоботни соддалаштириш, бошқа шаклларда такрорланмайдиган маълумотларнигина унда муҳассам этиш тўғри бўлурди. Бу бизнинг истак, холос.

Статистика органларидаги узундан-узқ навбат кутишлар ҳар қандай одамга ҳам малол келади. Тўғри, шаҳардаги барча ташкилот, корхона ва фирмалар статистика ҳисоботлари топширишлари керак, албатта. Ҳисобот топшириладиган кезлари ўша ерда одам тирбанд бўлиб кетади. Аммо лоақал шаҳар статистика бошқармасидаги навбатларни қисқартириш учун нимадир қилиш керак-ку, ахир. Туман статистика бўлимларида 6-Ф шакли бўйича ҳисобот топширади: буниси баҳарнаб. Аммо шахримизнинг туманларида ҳисоботни қабул қилиб олиш бир хил кечмайди. Масалан, Яқкасарой туман статистика бўлимига ҳисобот топшириш – ғирт оворагарчилик. Бу ерда бухгалтерларни хушламайдилар шекилли. Инсон омилида гап кўп деганларидек, пойтахтнинг бошқа туманларида ҳисобот топшириш озми-кўпми осойишта, хотиржам ўтади. Йирик саноат корхоналари дебитор ва кредиторлар билан боғлиқ 6-Ф шаклини нима сабабдан туман статистика бўлимига топширишлари керак – сира ақлим бовар қилмайди. Менга қолса, ҳамма ҳисоботни бир жойга бемалол топширса бўлади.

● «Патент-сервис» ахборот маркази бош бухгалтери Марина Леонидова:

– Бу борада таклиф сифатида нима айтиш мумкин эканлигини ҳам билмайман. Яқинда газетангизда ҳисобот топширишдаги мавжуд қийинчилик тўғриси-

даги саволларга берилган жавоблар эълон қилинган эди. Барча газетхонлар ярим йиллик ҳисоботни ДСИда қабул қилиб олиш иши яхши ташкил этилганлиги хусусида илиқ гаплар айтишгани эсимда.

Бизнинг Ҳамза туман солиқ инспекциясида яқинда семинар ўтказишди, унда ҳисоботни интернет орқали топширишни



таклиф этишди. Шуниси ҳам борки, баъзи мутахассислар бизга бундай қилишни маслаҳат беришмади. Чунки бу гоё янги, талаб даражасида сировдан ўтмаган. Менга тизим бенуқсон, соз ҳолда ишлаши учун нима қилиш жоиз эканлигини уларнинг ўзи ҳам яхши билмайдигандек туюлди. Дастлабки пайтларда ҳисоботни интернет орқали юборган, ДСИга тасдиқ маъносига қоғоздаги ифодасини ҳам олиб бориб топширишга тўғри келадиган кўрилади. Таниш бухгалтерларимдан ҳисоботни солиқ инспекциясига электрон почта орқали юбордик деган гапни ҳозирча эшитганим йўқ.

Статистика органларига ҳисобот топшириш масаласида кемтиклик бор. Биз, масалан, валюта бўйича ҳисоботни шаҳар статистика бошқармасига топшираемиз. Шундан кейин... туман статистика бўлимидан кўнгироқ қилиб, валюта тушумлари тўғрисида йил чораги бўйича ҳисобот топширишимизни сўрашади. Бунақа қоғозбозликни нима кераги бор, битта ахборотни такрор-такрор такдим этишда маъни бормикин? Статистика органлари ҳамкорликни яхшироқ йўлга қўйиб, ўзаро ахборот алмашиниб турсалар, муаммога ўрин қолмайди. Солиқ ҳисоботини топширишини яхшилаш борасида бир нарса дейиш қийин. Бу ерда ҳаммаси етарли даражада соддалаштирилган. Илгарилари ҳар ойда ҳисобот топширадик. Энди бўлса, битта шакл бўйича йилнинг ҳар чорагида бир марта ҳисобот топшираемиз. Бу шакл моҳиятан жуда содда, унда валюта маблағлари тушуми қайд этилади, холос. У, мана уч-тўрт йилдирки, ўзгаришсиз қолмоқда. Билишимча, кичик бизнесда унинг шаклини тез-тез ўзгартиришади. Аммо бу ўзгаришлар яхшилик та-

рафга, ҳисоботни янада соддалаштиришга қаратилгандир.

● Алоқа хизматлари кўрсатиш соҳаси бош бухгалтери Дилором Алимова:

– Умуман олганда, ҳисобот топшириш, ҳисобот тизимида биров бўлса-да барқарорлик қарор топса, чакки бўлмасди. Чунки ҳисобот шакллари тез-тез ўзгарилади. Ҳисоботларни давлат органларига электрон почта орқали жўнатиш дуруст иш: у бўлимдан бу бўлимга бориш, навбат кутиб, сарғайиб кунни кеч қилишдан батамом халос бўлилади. Бу гап айниқса шаҳар статистика бошқармаси учун долзарброкдир. Чунки ҳисоботни бу ерга олдинроқ олиб келиб топширмаган бўлсанг, бу иш охириги кунга қолган бўлса, кунни навбат кутиш билан ўтказасан...

● Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти бош бухгалтери Райҳона Расуловна:

– Ҳисоботларни шу, энг охириги топширган имдаги таассуротларим бўйича бу мавзу хусусида ижобий фикрларгина билдиришим мумкин. Ҳисоботлар анчагина такомиллашди, айна вақтда бир мунча соддалашди, осон тушунса бўладиган ҳолга келди. Шунинг самараси ўлароқ ҳисобот шакллари тўлдириб енгиллашиб, уларни топширишга кетадиган вақт ҳам анчагина қисқарди. Аллақачон шундай қилиш керак эди ўзи.

Қандай ангилликлар бўлишини истардим... Муайян қийинчиликлар, гоё у, гоё бу сабабга кўра ҳисоботни қайта топширишга тўғри келмоқда. Энг аввало жарима жазоси билан пўписа қилишади. Шу сабабли бухгалтерлар бундай вазиятларга рўбарў бўлмасликка ҳаракат қиладилар. Бу гап айниқса кичик корхоналарнинг йиллик ҳисобот топширишига тааллуқли. Чунки уларнинг ҳисоботларида йил мобайнида ўзгаришлар бўлиши турган гап, ҳатто баъзида бир неча марта ўзгаришлар қилинади.

Бу борада солиқ инспекциясида муаммо йўқ; ҳисоботни топширдингми, бўлди. Статистика органларида эса ҳатто муддатига улгуриб ҳисоботни қайта топширган бўлсанг ҳам мажбурий тартибда жарима тўлатиришга ҳаракат қилишади.

Қонун ҳужжатларимизда статистика органларига ҳисоботни қайта топширишнинг ман этувчи ёки ҳисоботни қайта топширишнинг ман жарима жазоси белгиловчи қоидаларни қидириб кўрдим, лекин ҳеч нарса топа олмадим. Тўғри, ҳуқуқий нормаларда ҳисобот тўғри кўрсатилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Аммо ҳисоботни ўзим қайта топширдим, бинобарин уни нотўғри такдим этилган деб баҳолаш инсофдан эмас. Хусусан бизда ишлаб чиқариш ҳажмлари анча юқори, шу сабабли баъзан йилига бир неча марта ўзгаришлар ва тузатишлар киритишимизга тўғри келади. Бойси буюртмачи иш ҳажмини ўзгартиришга қарор қилганлигидир.

Бу жиҳат қандай бўлмасин тартибга солинишини хоҳлардим. Ҳисоботнинг шакли йилнинг ҳар чорагида ўзгартирилган пайтлар ҳам бўлди. Энди бундай муаммо йўқ. Мабодо шаклни ўзгартирсалар ҳам бу ишни йилнинг бошларида қиладилар.

Ўтган ҳафта саволларига жавобларни Олег БУРЕНОВ ёзиб олди.

## КЕЛГУСИ ҲАФТАНИНГ САВОЛИ:

**Сизда бухгалтерликдан бўлак касбни эгаллаш истаги борми? Агар бунга хоҳиш бўлмаса, сабаби нима? Бордию кўнглингизда шундай истак туғён ураётган бўлса, қайси касбни танлаган бўлардингиз?**

Жавобларингизни 144-44-45 факси ёки [norma@press@mail.ru](mailto:norma@press@mail.ru) электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотган савол юборган сўровимизнинг энг фаол иштирокчилари тахририятнинг махсус соврини билан мукофотланадилар.

Келгуси муҳокамалар учун саволларингизни юборишни ҳам унутманг.

## ИНСОФ САРИ БАРАКА

**Баъзи компанияларда мана бундай вазиятни кўриш мумкин: ходимлар ўз иш жойларида ўтириб олиб, ишга алоқаси бўлмаган мавзуларда гап сотиб, гурунглашадилар, Интернетни «титкилаб», олди-қочди хабарлар оламига шўнғидилар ёки ғирт ўзларининг ишлари билан банд бўладилар. Аммо бошлиқ кириши билан ўзларини бутун вужудлари билан ишга берилиб кетган қилиб кўрсатадилар. Бундай аҳвол фирмадаги ноаҳиллик белгисидир.**

### ОДАТИЙ ГАП

Юқорида айтилган вазиятни билмайдиган раҳбар бўлмаса керак. Бунга оддий ходимлар ўртасидаги келишмовчилик, фиди-биди гаплар қўшилса, офисдаги тартибсизликнинг манзараси шундоққина намоён бўлади-қўяди. Меҳнат жамоаси соzланган механизмдек ишлаши, қиздирилган доирадек жаранглаши учун нима қилиш керак?

Катта бошлиқ ҳар бир ходим ўзича бир дунё, алоҳида шахс бўлса-да, муштарак мақсад, умумий иш йўлида шундай шахсларнинг бошини қовуштириб, ҳамкору ҳамдаст бўлиб ишлашлари эришиши шарт эканлигини, бўлинма раҳбарлари ундан ўрناق олишларини, унга тақлид қилишларини унутмаслиги лозим.

### ЁТАКЧИСИЗ ҚИЙИН-ОВ

Афтидан, режалар-у кўрсатмалар бўлмаса, одамлар қилдан қийик ахтариб, бир-бирига ён бермасди сира. Шу сабабли жамоада етакчи бўлсин экан. Агар пешқадамлик тизгинини раҳбарнинг ўзи қўлга олса, янада яхши. У ўз ходимлари олдида бир ёқадан бош чиқариб бажариш жоиз бўлган вазифаларни қўймоғи керак: одамлар топширилган ишни мустақил уddалай олмадикларига кўзлари етгандагина ҳамкорликка мойиллик кўрсатадилар. Вазифани ўртага қўйиш билан иш битмайди – унинг бажарилишини кузатиб, мунтазам назорат қилиб бориш зарур.

Тўғри, уюшган, аҳил жамоани бир ҳаракат билан ташкил этиб бўлмайди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам бошлиқ икки нарсани билиб қўйиши лозим. Биринчиси, ходимларга жипслашув замиридаги ниятни тушунтира билиш ва бу ниятга муқаррарлик бахш этиш керак. Гап шундаки, асл ниятни билиш умумий иш туфайли бирлашган бир гуруҳ одамларга яқдйл бўлиш имконини беради. Иккинчиси, ходимларни бир тану бир жон бўлиб бирлашиш борасидаги янгилликлардан хабардор этиш – ноу-хау бериш, маъмурий йўналишда таълим олиб бориш лозим. Раҳбар қўл остидаги одамларда яхши ходим бўлиш имкониятини қулф урдирмоғи керак.

### ХОДИМЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРСАК

Ўрта бўғиннинг кўпгина раҳбарлари муайян вазиятларда қўлланиладиган маъмурий воситалар борлигини билмайдилар ҳам. Аниқ технологиядан хабардор эмасликлари туфайли улар ўз ишларини мураккаб, чигал, ўзгарувчан деб ўйлашади.

Ходим раҳбарга қандайдир муаммо ҳақида ахборот берад экан, раҳбар ундан шу масаланинг ечими ҳақида ўйлаб кўришни, зарур бўлса, текшириш ўтказишни ва шу асосда пишитиб олинган фикр-мулоҳазалари билан раҳбариятга яна киришини сўраши керак. Ана шунинг ўзи бир воситадир. Чунки шу йўл билан унга масъулиятнинг бир қисмини зиммага олишни, бошқарув масалаларида кўмаклашишни ўргата борасиз. Зотан фақат шу соҳада ишлаётган одамгина вазиятни миридан-сиригача билиши ва муаммонинг энг яхши ечимини таклиф этиши мумкин. Ваҳоланки, кўпгина молиячилар, масалан, ўз ходимларини беистисно барча масалалар ечимини топиш ҳақида бош қотириб кўриш ўрнига ўзларидан (молиячилардан) сўраб қўя қолишга ўргатиб қўйишган. Уларда вазифалар чинакамига тақсимланмаган ҳам. Бошқарувнинг бундай усулида компанияда юксалиш бирмунча сустлашиб қолади.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ишнинг сифатида одам ўз иш жойида қанча вақт босим ўтирганга, унинг афтангорига, билимига қараб баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар асосида бошқарув деган бир восита керак. Масалан, бош бухгалтер ишининг асосий кўрсаткичларидан бири солиқларни имкон даражасида камайтириш дейдиган бўлса, компаниянинг ялпи даромадида солиқлар улуши қандай эканлиги, унинг кўпайиб ёки камайиб бораётганлиги шундоққина ҳисоблаб чиқилса, аҳвол ойдин бўлади.

Айрим операцияларнинг бажарилишини кузатиш орқали кўрсаткичларга асосланган бошқарувни компаниянинг барча даражасида қўлланиш мумкин. Агар ходим ишлаб чиқариш ва самарадорлик ҳисобини ўзи олиб бораётган бўлса, қандай ишлаётганлигини энг аввало унинг ўзи билади. Таҳлил натижаларини шундан кейин ўз раҳбарига топшириши лозим. Мазкур тизим «бировнинг тепасида қаққайиб турмаслик»ка, айна вақтда воқеаларнинг ҳақиқий ҳолатини кузатиб боришга қаратилган. Ҳисобдорлик ва масъулият ўзаро, тўғридан-тўғри бир-бирига боғлиқдир. Одамлар қилган ишлари, хатти-ҳаракатлари учун Ҳисобот беришга одатланишсин.

Хорижий матбуот саҳифалари асосида Зулайҳо ИБРАГИМОВА тайёрлади.

## АВТОМОБИЛЬ ИЖАРАГА БЕРИЛГАНДА



**Кўша корхона ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ўзининг ходими бўлмаган жисмоний шахсдан автомобилни ижарага олишни режалаштирмакда.**

**Юридик шахс мол-мулк ижараси учун жисмоний шахслар даромадидан солиқ ушлаши ва бюджетта ўтказиши шартми ёхуд жисмоний шахс тегишли даврда олган даромадларини декларациялаш якунлари бўйича уни мустақил тўлаши мумкинми? Жавоб бераётганда қуйидаги вазиятларни кўриб чиқишингизни сўрайман:**

**а) ижарага берувчи жисмоний шахс – ижарачи корхона ходими;**

**б) жисмоний шахс – корхона ходими эмас.**


**Ш.Усмонов,  
ҚК директори.**



- Жисмоний шахсларнинг ўз мол-мулкни, шу жумладан автотранспорт воситаларини ижарага беришдан олган даромадлари Солиқ кодексининг 55-моддасига мувофиқ умум-белгиланган шкала бўйича даромад солиғига тортилади. Ижарага берувчи жисмоний шахс мазкур корхона ходими ҳисобланиши ёхуд ҳисобланмаслигидан қатъи назар мазкур солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинади.

Ижарага берувчи жисмоний шахс мазкур корхона ходими ҳисобланмаган тақдирда, мол-мулк тугаганидан кейин ўттиз кун мобайнида Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага (МВ ва ДСҚнинг Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда 1110-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) 1-иловага мувофиқ шаклда солиқ инспекциясига олинган даромадлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилиши лозим. Якуний солиқ ҳисоб-китоби мазкур жисмоний шахс томонидан олинган даромадлар ҳақидаги декларация топширилганда амалга оширилади.

## НОГИРОНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР



**Қайнонам – I гуруҳ ногирони. Унинг кўзи ҳеч нарсани кўрмайди. Уни парвариш қилаётган шахслар учун бирор-бир имтиёзлар мавжудми? Агар мавжуд бўлса, уларни олиш учун қимга мурожаат қилиш лозим ва қандай маълумотномалар керак?**

**Умида.**

- Амалдаги қонунчиликда ногиронларни парвариш қилаётганларга ҳеч қандай солиқ имтиёзлари назарда тутилмаган, бундан болалигидан ногирон бўлган ва доимий парваришни талаб қиладиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота-оналар мустасно. Улар ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида даромад солиғини тўлашдан озод этилади-лар (Солиқ кодекси 59-моддаси иккинчи қисмининг «м» банди). Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг доимий парвариш талаб этилишини тасдиқловчи тиббий маълумотномаси, бирга яшашлиги ҳақида – фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг маълумотномаси асосида тақдим этилади.

Кўзи ожиз ногиронлар ва уларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар шаҳар йўловчилар транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгалар (1996 йил 30 августдаги «Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 278-1-сон Қонуннинг 1-моддаси).

Санатория-курорт даволанишига муҳтож ишламайдиган I гуруҳ кўз ногирони ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахс шаҳар ва туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан санатория йўлланмалари билан Ногиронлар ва пенсионерларни санатория ва курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномага мувофиқ (МАИМҚВ ва МВнинг Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1489-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) бепул таъминланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига эса қуйидаги солиқларни тўлашдан озод этиш кўринишидаги имтиёзлар назарда тутилган:

ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт

баравари миқдорида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (Солиқ кодекси 59-моддаси иккинчи қисмининг «д» кичик банди); мол-мулк солиғи (Солиқ кодексининг 93-моддаси);

ер солиғи (Солиқ кодекси 102-моддаси учинчи қисмининг 5-банди).

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар имтиёзга эга бўлган шахсларнинг танлашига биноан мол-мулкнинг фақат бир объектига тааллуқлидир.

Ер солиғи бўйича имтиёздан ер участкалари белгиланган меъёрлар доирасида яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ёхуд шахсий ёрдамчи хўжалигини (деҳқон хўжалигини) юритиш

учун берилган шахслар фойдаланади. Ер солиғи тўланмайдиган ер участкалари ер участкасига ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар бўйича қабул қилинади.

Бунда ер солиғи бўйича имтиёзга ҳуқуқ ер солиғини тўлашдан озод этилган шахслар яшаётган ва биргаликда хўжалик юритаётган бутун оилага татбиқ этилади.

Имтиёзлар ногиронларга пенсия гувоҳномаси ёки ер солиғи бўйича имтиёз қисмида туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимининг ёхуд врачлик-меҳнат экспертиза комиссиясининг маълумотномаси асосида тақдим этилади.

Ногиронларга шунингдек уй-жой коммунал хизматлари ҳақини тўлаш бўйича энг кам иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида ойлик компенсация пул тўловлари тўланади (Президентнинг 2005 йил 13 апрелдаги «2005 йилнинг 1 майдан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ПФ-3596-сон Фармони илова).

Жавоблар ДСҚнинг Жисмоний шахслар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунлар бажарилишини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамкорлигида тайёрланди.



### НАШРИЁТИДА ҚУЙИДАГИЛАР СОТУВДА МАВЖУД:



	<b>МЕХНАТ КОДЕКСИ</b> (ўзбек ва рус тилларида) 7000 сўм.
	<b>ЖИНОЯТ КОДЕКСИ</b> (ўзбек ва рус тилларида) 9000 сўм.
	<b>3000 БУХГАЛТЕРСКИХ ПРОВОДОВ ПО НОВОМУ ПЛАНУ СЧЕТОВ</b> (2-жилд) Муаллиф – Ф. Фуломова 1 жилди 5000 сўм.
	<b>СУДЕБНАЯ ПРАКТИКА</b> Муаллиф – Артём Мокшин 6000 сўм.
	<b>БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИГА ДОИР НИЗОМЛАР</b> 5000 сўм.
	<b>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР БЎЙИЧА МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ</b> (I-II жилд) 1 жилди 5000 сўм.

	<b>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО НАЛОГАМ И СБОРАМ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»</b> (II жилд) Масъул муҳаррир – Л.Югай 1 жилди 3000 сўм.
	<b>«ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНГА СОЛИҚ СОЛИШ»</b> (Ер кодекси, ер кадастри) А.Латинов тахририда (ўзбек ва рус тилларида) 4000 сўм.
	<b>«УЧЕТНАЯ ПОЛИТИКА ПРЕДПРИЯТИЯ»</b> Муаллиф – Ф.Фуломова 3200 сўм.
	<b>«САМОУЧИТЕЛЬ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ»</b> Муаллиф – Ф.Фуломова 5000 сўм.

	<b>«УЧЕТ И НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ И НЕМАТЕРИАЛЬНЫХ АКТИВОВ»</b> Муаллифлар – Э.Гадоев, Н.Хасанов, Л.Югай 3200 сўм.
	<b>«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»</b> (II-III жилд) (ЎзР Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тўлиқ берилган) Масъул муҳаррир – Х.Ортиқов 1 жилди 4000 сўм.
	<b>«ЙИЛЛИК ХИСОБОТ - 2005»</b> (2006 йил иловаси билан) Муаллифлар – Э.Гадоев, Л.Югай 3500 сўм.
	<b>«КОРХОНАЛАРДА ИШ ҲАҚИ»</b> Муаллифлар – Н.Хасанов, Ш.Ҳайдаров, Л.Югай Китобда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобини ёритиб берувчи масалалар кўриб чиқилган ва солиқ оқибатлари очиқ берилган (ўзбек ва рус тилларида) 3600 сўм.

Буюртманомаларни қуйидаги манзилда расмийлаштиришингиз мумкин: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 22-уй. ☎ Харид масалалари бўйича 144-44-29, 132-18-80 тел./факсларига мурожаат қилинг.

**УШБУ КИТОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КИТОБ ДУКОНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

**“Yuridik adabiyotlar”,**  
манзил: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч., 35-уй (мўлжал – Тошкент давлат юридик институти), тел.: 136-73-98;  
Тошкент ш., Бобур кўч., 40А. тел.: 363-55-47


**“Sharq ziyokori”,**  
манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 26-уй (мўлжал – Навоий номидаги ДАБТ), тел.: 133-58-72

**ва унинг худудий филиалларида:**

Андижон ш., А.Навоий шоҳ., 71, тел.: (374-2) 55-05-02. ☎ Бухоро ш., Иқбол кўч., 11, тел.: (365-2) 23-75-96. ☎ Самарқанд ш., Университет хиёбони 12, тел.: (366-2) 33-23-68.  
Жиззах ш., Ш.Рашидов кўч., (мўлжал – Оқбозор биноси), тел.: (372-2) 26-42-93 ☎ Навоий ш., Ўзбекистон кўч., 11, тел.: (436-2) 23-01-30 ☎ Қарши ш., 7-микрорайон, 9, тел.: (375-2) 27-77-00.  
РАММ Навоий бўлими: Навоий ш., Павлов кўч., 6-уй, тел.: (436-2) 23-25-33.

Китоб дўконлари эгалари ва сотувчиларини ҳамкорликка таклиф қиламиз.

Мамлакатимизда аудитор институтининг шаклланиш жараёни кечмоқда. Ҳуқуқ ана шу соҳасининг қонунчилик базаси, аудиторлик хизматлари сифатининг ички назорати тизими, аудиторларни тайёрлаш, сертификатлаштириш ва уларнинг малакасини ошириш тизими такомиллашиб бормоқда.



## АУДИТ:

# СИФАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Юртимизда аудитни ривожлантиришнинг зарур шартлари хусусан қуйидагилардан иборат:

аудиторлик ташкилотларининг ва аудиторларнинг ишлари аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ҳамда миллий стандартларга қатъий мувофиқ бўлиши; профессионал жамоат бирлашмалари фаолияти кучайиши;

аудиторлик иши сифатининг ички назорати бўйича самарали тизим шаклланиши.

Фойдаланувчиларнинг аудитга бўлган талаблари ошиб, ана шу хизматлар бозорида рақобат кучаяётганлиги аудиторлик текширувлари сифати оширилишини тақозо қилмоқда. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилотига ишончи даражаси субъект манфаатлари қаноатлантирилишига, хусусан аудитор субъектга йўл қўйган хатоларини аниқлашда қандай ёрдам берганлигига, аудиторнинг маслаҳатлари ҳисоб юритиш тизимини қанчалик яхшилаганлиги ва таҳдид-у таваккалчиликларни камайтирганлигига, ҳўжалик юритувчи субъектнинг ривожлантириш истиқболлари хусусидаги аудитор баҳоси чамаланган молиявий ахборотни текширишда қанчалик қўл келганлигига боғлиқдир. Фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот тўғрисида хусусида аудитор билдирган фикрга ишончи даражаси аудиторнинг иши сифатига беvosита мутаносибдир.

Кўплаб ҳўжалик юритувчи субъектлар аудиторларнинг хизматларидан фойдаланишда, аммо бу субъектларнинг аксарияти раҳбарлари аудиторлик текширувлари натижаларидан кўнгли тўлапти деб бўлмайдди. Бунинг асосий сабаби директорларда ҳам, аудиторлик ташкилотларининг мутахассисларида ҳам малака, омилкорлик ва ўқув етарли эмас. Сифатли бўлмаган аудитга текширилган молиявий ҳисоботга номуносиб аудиторлик хулосаси бериш сифатида қараш мумкин. Бунинг сабабини аудиторнинг малакаси етарли эмаслигидан излашнинг ўзи кифоя қилмайди. Аудиторлик ташкилоти атайин тўғри тузилмаган молиявий ҳисоботга амалда текширув ўтказмасданок ижобий хулоса берган ёки унинг тўғрисида ва ишончилигига умуман қизиқиб кўрмаган бўлиши ҳам мумкин. Мижозни йўқотмаслик учунгина шунақа хулоса берган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари лицензия талаблари ва шартларига қандай риоя қилаётганлиги текширилганда уларнинг фаолиятида устав фонди тўлиқ шакллантирилмаганлиги, ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифати пастлиги, аудиторлик ҳисоботлари ва хулосаларининг аудиторлик фаолиятига оид қонун ҳужжатлари ҳамда стандартлари талабларига номувофиқлиги каби кўп тақоррланадиган камчилик ва нуқсонлар аниқланди. Булар айрим аудиторлик текширувлари юзаки, қўл учиде, уч-беш кун ичида ўтказилаётганлиги, мижознинг фаолияти тўғрисида талаб қилинаётган ҳажмда маълумот бера олмаётган-

лиги оқибатидир. Аудиторлик хизматларига тўланаётган ҳақ камлиги, молия бозорида етарлича обрў-этиборга эга бўлмаган чоғроқ аудиторлик ташкилотлари номига доғ тушишидан ор қилмаслиги, касб малакаси даражасини ошириш учун жавобгарлик ҳис эзмаётганлиги сабабли ҳам айрим аудиторларнинг ва аудиторлик ташкилотлари раҳбарларининг малакаси пастлигича қолиб кетаётганлиги ҳам бу фикрни муқобил тарзда тасдиқлайди.

Бундан ташқари аудиторлик ташкилотларининг каттагина қисмида фуқаролик жавобгарлиги суғурта полиси йўқ, устав капиталида сертификатланган аудиторларнинг зарур улуши таъмин этилмаган.

Ана шу соҳадаги ишларнинг аҳолини ўрганиш натижасида аудитни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситалари зарур, чунки бу воситалар ёрдамида аудиторлик текширувлари ҳозирги халқаро талабларга мувофиқ бўлади деган хулоса чиқарилди. Айни шу сабабли аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш истагидагиларга нисбатан ҳам, белгиланган тартибда аудиторнинг малака сертификатини олганларга нисбатан ҳам давлат катта талаблар қўймоқда. Бу талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил апрелда қабул қилинган «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарорида (2007 йил 4 апрелда қабул қилинган ПҚ-615-сон мазкур қарор – бундан буён матнда Президент қарори деб юритилади) тўлаллигича мужассам топди.

Ана шу ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтилди. Унинг қабул қилиниши аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий доираларини янада аниқроқ белгилаб олиш, энг муҳими, профессионал бирлашмалар билан ҳамкорликда аудиторлик фаолиятини тартибга солиш тизимини шакллантириш имконини беради.

Аудитнинг асосий мақсади текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъект ҳақида ҳолисона ва чин маълумотларни беришдан иборатдир. Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик текшируви ўтказиладиган шахслардан мустақиллиги; аудиторнинг ҳолислиги, профессионализми, ўқуви ва омилкорлиги; аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларнинг махфийлиги; аудиторлик ташкилоти иш усуллари ва услубларини мустақил тарзда танлаши сингари асосий принциплар ана шу мақсадга эришишга хизмат қилади.

Аудиторнинг мустақиллиги у, бир тарафдан, давлат муассасалари назорати остида ишламаслигида, иккинчи тарафдан эса текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектда ҳеч қанақа мулкий ёки шахсий манфаатларга эга эмаслигида мужассам топади. **Ҳолислик** принципи аудитордан аудиторлик хизматлари кўрсатишда адолатлилик, ҳалоллик, зийраклик ва ҳушёрликни, қарор чиқаришда бошқа шахслардан тамомила холи бўлишни талаб этади. **Махфийлик** аудиторлик фаолиятини амалга оширишдаги жуда муҳим талаб бўлиб,

аудитор зиммасига ўз мижози билан олиб борилаётган ишларга оид махфий ахборотларни, қанча вақт ўтганлиги, мазкур мижоз билан муносабатлар давом этаётганлиги ёки тўхтаб қолганлигидан қатъи назар, сир сақлаш мажбуриятини юклайди. Махфий ахборотни ошкор этганлик учун у қонун бўйича жавоб беради. Аудитор зарур **профессионал малакага** эга бўлиши, унинг билими, маҳорати, **ўқув ва омилкорлиги** етарли даражада бўлиши, норматив ҳужжатларнинг талабларига у қатъий риоя этиши керак. Аудитор иқтисодиёт-

нинг ўзи етарлича билими бўлмаган соҳаларида мижозга хизматлар кўрсатмаслиги керак.

Бозор иқтисодиёти шароитларида аудиторлик ташкилотларининг асосий вазибалари молиявий ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлашдан ташқари корхонанинг реал молиявий аҳолини акс эттира билишни, бинобарин текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳўжалик фаолияти самарадорлигига, унинг фаолиятни келгусида давом эттириш лаёқатига баҳо беришни ҳам қамраб олади. Молиявий аҳолини таҳлил этиш, унинг кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаш асосида аҳолини янада мустақамлаш ёки мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари белгилаб олиш мумкин.

Текширилаётган субъектларга қараб аудиторлик фаолиятига доир лицензияларга нисбатан табақалаштирилган тарзда белгиланадиган талаблар тизими 2008 йилнинг 1 январидан жорий этилиши аудиторлик фаолияти самарадорлигини ошириш омилларидан биридир. Хусусан:

а) ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъектлар аудити учун аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5 минг баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида олти нафар сертификатланган аудиторга, шу жумладан иккита халқаро бухгалтер сертификати бор аудиторга эга бўлиши;

б) ҳўжалик юритувчи субъектлар аудити учун (устав капитали 500 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этган очик акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно) аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 3 минг баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида тўрт нафар сертификатланган аудиторга, шу жумладан битта халқаро бухгалтер сертификати бор аудиторга эга бўлиши;

в) ҳар йилги мажбурий текширувдан ўтказиш жоиз бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар аудити учун аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида икки нафар сертификатланган аудиторга эга бўлиши шарт.

1999 йилдан эътиборан мамлакатимизда профессионал бухгалтерларни сертификатлаштириш комплекс дастури амал қилмоқда. Унда сертификатланган амалиётчи бухгалтер (CAP) ва сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CPA) даражалари назарда тутилган. Булардан ташқари бухгалтерларнинг бошқа халқаро сертификатлари ҳам мавжуд.

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятни амалга ошириш асносида бу иш аудиторлик фаолиятига оид норматив ҳужжатлар ва миллий стандартлар талабларига мувофиқ бўлишини таъмин этишлари, лицензия талаблари ва шартларига, ўтказилаётган аудиторлик текширувлари сифатининг ички назорати қоидаларига риоя этишлари керак. Аудитнинг сифатига бўлган асосий талаб ҳам шу.

Президент қарори билан аудиторлик ташкилотларининг, аудиторларнинг жавоб-

гарлигини, масъулиятини, кўрсатаётган хизматлари сифатини оширишга қаратилган қўшимча лицензия талаблари ва шартлари белгиланди. Булар, биринчидан, лицензия талаблари ҳамда шартларига аудиторлик ташкилотлари риоя қилишини Молия вазирлиги ҳар уч йилда камида бир марта мажбурий тартибда текширувдан ўтказадиган бўлди. Иккинчидан, аудиторлик ташкилоти раҳбарини Молия вазирлигида ҳар уч йилда аттестациялаш тўғрисидаги норма жорий этилди. Бундан ташқари аудиторлик ташкилотини эндиликда ўз аудиторларининг иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидалари бўлиши керак. Ички назорат тизимининг самарадорлиги ҳўжалик юритувчи субъект аудиторлик ташкилотини танлашда эътибор берадиган кўрсаткичлардан биридир.

Битта ҳўжалик юритувчи субъектда сурункасига уч йил аудиторлик текширувларини ўтказган аудиторлик ташкилотини мажбурий тарзда алмаштириш «қўлбола» аудитга айланиш амалиётининг олдини олиш имконини беради. Идоравийликка асосланган аудит ҳўжалик юритувчи субъектга аудиторлик ташкилотини мустақил танлаш ҳуқуқини бермайди, бундай аудиторлик ташкилотлари эса тегишли тизим корхоналари ўртасида аудиторлик хизматларини кўрсатишда монопол бўлиб қоладилар.

Аудиторнинг фақат битта аудиторлик ташкилотини муассис бўлиши ва ишлаши мумкинлиги хусусидаги талаб аудиторларни сифатли ишлашдан, аудиторлик ташкилоти обрўсини кўтаришдан манфаатдор бўлишига хизмат қилади. Чунки муассис аудитор ўз пулини таҳдид ва таваккалчиликка қўяр экан, табиийки, ўз фирмаси барқарор ишлашини таъминлаш ҳаракатида бўлади.

Ҳозирги кунда сифатли бўлмаган аудит билан курашда аудиторнинг лицензияси ва малака сертификати амал қилишини тугатиш чора-тадбирлари асосий роль ўйнамоқда. Аудиторлик ташкилотларининг рейтинги ҳам бу борада муайян аҳамият касб этади. Профессинал жамоат ташкилотлари ҳозир рейтинг баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқдалар. Аудиторлик ташкилотлари ана шундай баҳолаш учун ахборот тақдим этишга мажбурдирлар.

Қабул қилинган чора-тадбирларнинг таъсир доираси анчагина кенг. Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тугатиш асослари қайта кўриб чиқилиб, аудиторларнинг жавобгарлиги оширилди. Аудиторлик текширувларини ўтказишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларга риоя қилмаслик, аудиторлик фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта полисининг йўқлиги, Молия вазирлиги лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширувлардан ўтказишидан бўйин товлаш қонун ҳужжатлари талабларини бир марта кўпол равишда бузиш сифатида таснифланади ҳамда бунинг учун Молия вазирлиги лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги масалани дарҳол суд олдида қўяди.

Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилиши аудиторнинг аудиторлик текширувини сифатли ўтказмаганлиги, малака ошириш курсларидан муттасил ўтмай келмаётганлиги сингари айбларга қўра тугатилиши малака сертификати амал қилишини тугатиш учун беvosита асос ҳисобланади.

Бундай шартлар, шак-шубҳасиз, аудиторлик ташкилотларини ҳам, аудиторларни ҳам ўз ишларини ҳалол ва виждонан бажаришга, касб малакаларини муттасил оширишга ундайди, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудитга бўлган ишончинини янада юқорирақ босқичларга кўтаради.

**Алла ПОНОМАРЁВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубияти бошқармаси бош иқтисодчиси.

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:

“Об изменении розничных цен на автобензин”;

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сон Фармони)”.

## - ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” қарори;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг “Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида” қарори;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки бошқарувининг “Тижорат банклари, кредит уюмлари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори.

**- МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2007 ЙИЛ 28 ИЮЛДАН 10 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

## ПОСТАНОВЛЕНИЕ

КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### ОБ ИЗМЕНЕНИИ РОЗНИЧНЫХ ЦЕН НА АВТОБЕНЗИН

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 31-32-сон, 317-модда)

Кабинет Министров постановляет:

1. Установить с 1 августа 2007 года розничные цены на автобензин:

марки А-76 — в размере 610 сумов за один литр;  
марки Аи-80 — в размере 630 сумов за один литр;  
марок Аи-91, А-92 и Аи-93 — в размере 705 сумов за один литр;

марки Аи-95 — в размере 790 сумов за один литр.

2. Установить с 1 августа 2007 года сумму выплаты ежемесячной денежной компенсации части расходов на приобретение автобензина отдельным категориям лиц, определенным законодательством, в размере 12600 (двенадцать тысяч шестьсот) сумов.

3. Министерству финансов Республики Узбекистан до 1 августа 2007 года утвердить и довести до всех заинтересованных министерств, ведомств, предприятий и организаций преysкуранты новых розничных цен на автобензин.

4. Акционерной компании «Узнефтепродукт» и ее региональным предприятиям, а также хозяйствующим субъектам, осуществляющим реализацию автобензина

на автозаправочных станциях, произвести по состоянию на 1 августа 2007 года переоценку остатков автобензина на АЗС. Сумма дооценки полностью вносится в доход государственного бюджета.

5. Считать утратившим силу постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 октября 2006 года № 222;

пункт 3 постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 октября 2006 года № 223 «О введении выплат ежемесячных денежных компенсаций отдельным категориям лиц взамен ранее представленных льгот по приобретению автобензина».

6. Контроль за выполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан Э.Р.Шаисматова.

**Премьер-министр  
Республики Узбекистан  
Ш.МИРЗИЯЕВ.**

г. Ташкент,  
30 июля 2007 г.,  
№ 157.

Хизматлар лицензияланган  
**КАПИТАЛБАНК 132 - 07 - 03**

**Бир мақсадга интилиб  
Муваффақиятга эришамиз**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2006 ЙИЛ 26 ОКТЯБРДАГИ 218-СОН ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «2007 ЙИЛНИНГ 1 АВГУСТИДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» 2007 ЙИЛ 10 ИЮЛДАГИ ПФ-3889-СОН ФАРМОНИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 31-32-сон, 322-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғри-

сида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорининг 1-бандидаги «12420» рақами «15525» рақами билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 7 август  
166-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ

**ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ БҮЙИЧА НАФАҚАЛАР ТАЙИНЛАШ  
ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ  
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
28 июлда 1136-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 31-32-сон, 326-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-532-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги (2002 йил 8 май, рўйхат рақами 1136) низомга иловага мувофиқ ўзгарти-

риш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири в.б.  
А.ХАЙТОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 25 июнь  
М-31-сон.

\*2007 йил 7 августдан кучга киради.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.  
2007 йил 25 июндаги М-31-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ БҮЙИЧА НАФАҚАЛАР ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. 1-бандидаги «вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 1-банд куйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар:

Бюджет ташкилотлари томонидан — меҳнат ҳақи жамгармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида;

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан — фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Соғлиқни сақлаш вазири, Марказий банк раиси, Давлат солиқ қўмитаси раиси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси билан келишилган.

Молия вазири  
**Р.АЗИМОВ.**

Соғлиқни сақлаш вазири  
**Ф.НАЗИРОВ.**  
Марказий банк

Бошқаруви раиси  
**Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Давлат солиқ қўмитаси раиси  
**Б.ПАРПИЕВ.**

Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси  
**Д.ЖАХОНГИРОВА.**

Тошкент ш., 2007 йил 25 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК  
ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
7 августда 1080-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 31-32-сон, 337-модда)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 6 октябрдаги 25/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

\*2007 йил 17 августдан кучга киради.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари М.Ё.Эшматов зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси  
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**

Тошкент ш.,  
2007 йил 30 июнь  
18/3-сон.

ЎзР МБ бошқарувининг  
2007 йил 30 июндаги 18/3 (1-3)-сон қарорига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ  
ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА КИРИТИЛАДИГАН  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР\*\***

1. 35-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

«35. Юридик шахс тугатилаётганда унинг банк ҳисобварақлари тугатувчи ихтиёрига ўтади. Бунда банкка тугатиш комиссиясининг амал қилиш муддатини кўрсатган ҳолда ташкилотнинг тугатилиши ҳақидаги қарор ҳамда тугатиш комиссияси аъзолари имзоларининг намуналари бўлган тасдиқланган карточка тақдим этилади. Карточка тугатиш комиссиясини тузган ташкилот ёхуд нотариус томонидан тасдиқланади.

Тугатилаётган юридик шахснинг миллий ва хорижий валюталардаги талаб қилиб олингунгача иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақлари мавжуд бўлганда тугатувчи мазкур ҳисобварақларга хизмат кўрсатувчи банкларга уларнинг ёпилиши ҳақида ариза тақдим этади».

2. 39-банд куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ихтиёрий тугатилаётганда хабардор қилиш муддатидан бошлаб:

а) уларнинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар – тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпа-

дилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида улардаги мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақига ўтказадилар;

б) уларнинг хорижий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар – тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпадилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг унинг миллий валютадаги талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақига очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварақига ёки бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунгача депозит ҳисобварақига, агар уларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, ўтказадилар;

в) юридик шахсларнинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақига хизмат кўрсатувчи банк, тугатиш жараёни тугатганидан сўнг, тугатувчининг аризасига асосан бир иш куни давомида талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақини ёпади ва тугатувчига талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварақининг ёпилиши ҳақида маълумотнома беради».

\*Илова тахририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ,  
ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЧИҚАРИШ,  
ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ ВА СЎНДИРИШ (БЕКОР ҚИЛИШ) ТАРТИБИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА\***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
7 августда 1216-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 31-32-сон, 338-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва уларнинг иқтисодиётни модернизация қилишга доир инвестиция жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази қарор қилади:

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси  
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**  
228-В-5-сон

1. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатиغا олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низом»га (2003 йил 12 февраль, рўйхат рақами 1216 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 3-сон) иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги  
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш  
маркази бош директори  
К.ТОЛИПОВ.**  
04/18-371-сон

Тошкент ш., 2007 йил 21 июль.

**\*2007 йил 17 августдан кучга киради.**

МВ бошқаруви, ЎзР ДМҚ ҳузуридаги ҚҚБФМНҚМнинг  
2007 йил 21 июлдаги 228-В-5, 04/18-371-сон қарорига  
ИЛОВА

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЧИҚАРИШ, ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА  
ОЛИШ ВА СЎНДИРИШ (БЕКОР ҚИЛИШ) ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН  
ҚЎШИМЧА\*\***

2-банд қуйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин: «Тижорат банкларининг акцияларини фонд биржасида бирламчи оммавий жойлаштирилиши муомалага янги чиқарилаётган акциялар ҳажмининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда амалга оширилади (хусусий банклардан ташқари)».

**\*Илова тахририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ, МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ, КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ВА МИКРОКРЕДИТ  
ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН БЮДЖЕТГА СОЛИҚЛАРНИ ҲИСОБЛАШ  
ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА\***

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
9 августда 1701-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 31-32-сон, 339-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ қарор қиламиз:

1. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Молия вазири  
Р.АЗИМОВ.**  
68-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси  
Б.ПАРПИЕВ.**  
2007-38-сон

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси  
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.**  
291-В-сон

Тошкент ш., 2007 йил 25 июнь.

**\*2007 йил 19 августдан кучга киради.**

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг  
2007 йил 25 июндаги 68, 2007-38,  
291-В-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ, КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ВА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ  
ТОМОНИДАН БЮДЖЕТГА СОЛИҚЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Ўзбе-

кистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида» ва «Микрокредит ташкилотлари тўғри-



сида»ги қонунларига мувофиқ, тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Солиқларни тўловчилар бўлиб мулкида, хўжалик юриштида ёки оператив бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек, мустақил баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган тижорат банклари ва уларнинг филиаллари, кредит уюшмалари ва уларнинг филиаллари, микрокредит ташкилотлари ва уларнинг филиаллари (кейинги ўринларда — кредит ташкилотлари) ҳисобланади.

2. Солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш умумбелгиланган тартибда мазкур Низомда кўзда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### II. КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

3. Солиқларни ҳисоблаш учун кредит ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари тўлов вақти ҳамда пулнинг келиб тушиши санасидан қатъи назар, улар қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади ва қуйидагиларга бўлинади:

Кредит ташкилотларининг даромадлари:

а) ҳисобланган фоизли даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси қафолати остида берилган кредитлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан фоизларни тўлаш бўйича имтиёзли муддат берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар шартномага асосан олиш муддати етиб келмагунча кредит ташкилотининг солиққа тортилувчи даромади сифатида кўрилмайди.

б) фоизсиз даромадлар, жумладан:

воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромадлар;  
хорижий валюталардаги фойда;  
бошқа фоизсиз даромадлар.

Кредит ташкилотларининг харажатлари:

а) ҳисобланган фоизли харажатлар.

Ўзбекистон Республикаси қафолати остида олинган кредит ресурслари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида берилган имтиёзли кредитлар бўйича фоизли харажатлар, шартномага асосан тўлов муддати етиб келмагунча кредит ташкилотининг харажати сифатида кўрилмайди.

б) фоизсиз харажатлар, жумладан:

воситачилик харажатлари ва хизматлар учун қилинган харажатлар;

хорижий валюталарда кўрилган зарарлар;

тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар;

инвестициялардан кўрилган зарарлар;

бошқа фоизсиз харажатлар;

в) кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш;

г) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган операция харажатлар:

иш ҳақи ва ходимлар учун қилинган бошқа харажатлар;

ижара ва таъминот харажатлари;

хизмат сафари ва транспорт харажатлари;

маъмурий харажатлар;

репрезентация ва хайрия;

эскириш харажатлари;

суғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар;

кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш бундан мустасно).

### III. ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

4. Кредит ташкилотлари учун солиқ солиш объекти бўлиб мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ 02041S-сон шаклдаги «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот»га мувофиқ жами даромадлар ва чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ва мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ солиқ солиш базасига киритиладиган харажатлар суммасига тузатилган фойда ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида асосий воситалар объектлари ва номоддий активларнинг чиқиб кетишида мазкур асосий воситалар объектлари ва номоддий активларнинг қўшимча баҳолаш суммасининг ушбу асосий воситалар объектлари ва номоддий активларнинг илгариги арзонлаштиришлар суммасидан ошган қисми фоизсиз даромадлар таркибига киритилади.

5. Тижорат банкларининг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайган суммасига, мазкур маблағларнинг юқорида кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтирилиши шартли билан камайтирилади.

Бунда жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайишини ҳисоблаб чиқариш учун базис даври сифатида ҳисобот йилининг боши қабул қилинади ва кўпайиш 20406, 20606, 22618 ва 23604 ҳисобварақлар бўйича ҳисобот даври (чорак, ярим йил, 9 ой, йил) боши ва охирининг фарқи сифатида аниқланади.

Мазкур имтиёзни қўллаш учун тижорат банклари кўпайиш суммасини юқорида кўрсатиб ўтилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини ошириш учун мақсадли фойдаланилган ҳолда алоҳида ҳисоб рақамда акс эттириши керак.

Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобига мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллаш ҳисоб-китоби маълумотномаси йлова қилинади. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллашга доир шартли мисол мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган.

6. Ваколатли банклар учун жалб этиладиган бўш валюта маблағларини Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтиришда олиннадиган маржа суммасига солиқ солинадиган даромадлар (фойда) камайтирилади.

7. Тижорат банкларнинг Имтиёзли кредит бериш жамғармасининг ресурсларини оширишга йўналтирадиган ва Жамғарманинг кредитлари ҳисобига олинган даромадлари Имтиёзли кредит бериш жамғармаси ташкил этилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинади.

8. Ўстирмаслик мақомини олган кредит бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибга мувофиқ даромадлар ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

9. Кредит ташкилотлари Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига қонунчиликда белгиланган шакл бўйича тақдим этади-

лар. Ҳисоб-китобга 02041S-сон шаклдаги «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот» илова қилиниши лозим.

10. Даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ҳисобланган даромад солиқлари — тўланадиган» баланс ҳисобварақда (тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари учун 22502 баланс ҳисобварақда, кредит уюшмалари учун 22416 баланс ҳисобварақда) «Даромад (фойда) солиғи» алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

Солиқни ҳисоблашда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 56902 «Даромад солиғини баҳолаш»;

Кредит 22502 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган».

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 56902 «Даромад солиғини баҳолаш»;

Кредит 22416 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган».

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари бўйича:

Дебет 22502 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган»;

Кредит 10301 «ЎзРМБ вакиллик ҳисобрақамидан олинган — Ностро» ёки Давлат солиқ инспекциясининг ҳисобварағи.

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 22416 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олинган депозитлар».

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 22502 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олинган депозитлар».

#### IV. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш хусусиятлари

11. Кредит ташкилотлари учун солиқ солиш объекти бўлиб, қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғи солинадиган айланмалар ҳисобланади.

Товарлар, хизматлар (ишлар)ни сотиш бўйича солиқ солиш объектининг миқдори сотилган товарлар, кўрсатилган хизматлар (ишлар) қиймати асосида, шартномада акс эттирилган қўлланилган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади.

12. Қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ҳисобланган бошқа солиқлар» баланс ҳисобварақда (тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари учун 22504 баланс ҳисобварағи, кредит уюшмалари учун 22422 баланс ҳисобварағи) «Қўшилган қиймат солиғи» алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

Солиқни ҳисоблашда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан бошқа) ва лицензиялар» ёки 29896 «Бошқа мажбуриятлар» (ёки асосий воситалар сотилганда бошқа тегишли ҳисобварақ);

Кредит 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар» ёки 29896 «Бошқа мажбуриятлар» (ёки асосий воситалар сотилганда бошқа тегишли ҳисобварақ);

Кредит 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10301 «ЎзРМБ вакиллик ҳисобрақамидан олинган — Ностро» ёки Давлат солиқ инспекциясининг ҳисобварағи.

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олинган депозитлар».

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олинган депозитлар».

#### V. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

13. Солиқ солиш базасини аниқлаш учун ҳар ойнинг биринчи санасидаги дебет қолдиқлари кредит ташкилотларининг қуйидаги баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

тижорат банклари бўйича:

16505 Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига)

16509 Банкнинг иморатлари — Бинолар ва бошқа иморатлар;

16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529 Транспорт воситалари;

16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16549 Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар;

16561 Омбордаги асосий воситалар бўйича (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига);

16601 Номоддий активлар;

16617 Гудвилл;

16700 Банкнинг бошқа хусусий мулклари (16713 ҳисобварағидан ташқари).

Кредит уюшмалари бўйича:

16505 Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига)

16509 Бинолар ва бошқа иморатлар;

16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529 Транспорт воситалари;

16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16541 Номоддий активлар;

16549 Ижарага берилган асосий воситалар;

16700 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулк (16707 ҳисобварағидан ташқари);

19923 Омбордаги асосий воситалар (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига).

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

16505 Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига)

16509 Микрокредит ташкилотининг бинолари ва бошқа иншоотлари;

16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529 Транспорт воситалари;

16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16549 Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар;

16561 Омбордаги асосий воситалар (меъерий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига);  
 16601 Номоддий активлар;  
 16617 Гудвилл;  
 16700 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулк (16707 ҳисобварағидан ташқари).

14. Кредит ташкилоти томонидан қарзни қоплаш учун сотиш мақсадида ундириб олинган мол-мулкка (гаровга олинган мол-мулкка) солиқ солинмайди ва ушбу мол-мулкка амортизация ажратмалар ҳисобланмайди.

Мазкур норма ушбу мол-мулкни кредит ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ишлатилган ҳолларга қўлланилмайди.

15. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисоб-китобига мажбурий иловалар бўлиб, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ солинмайдиган мол-мулклар рўйхати ҳисобланади.

16. Мол-мулк солиғи кредит ташкилотларининг ҳисобот давридаги операцион харажатларда ҳисобга олинади. Мол-мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ҳисобланган бошқа солиқлар ва лицензиялар» баланс ҳисобварағида (тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари учун 22504 баланс ҳисобварағи, кредит уюшмалари учун 22422 баланс ҳисобварағи) «Мол-мулк солиғи» алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

17. Солиқни ҳисоблашда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар»;

Кредит 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан ташқари)»;

Кредит 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10301 «ЎзР МБ вакиллик ҳисоб рақамидан олинадиган — Ностро» ёки Давлат солиқ инспекциясининг ҳисобварағи.

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

### VI. ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

18. Қонунчиликка мувофиқ микрофирма ва кичик корхона тоифасига кирувчи кредит ташкилотлари солиқ солишнинг ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини қонунчиликда кўзда тутилган тартибда қўллашга ҳақлидир.

19. Мазкур Низомнинг 3-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган кредит ташкилотларининг даромадлари солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

### VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

20. Кредит ташкилотлари ҳисоблашнинг тўғрилигига, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида тақдим этилишига, берилган солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланишларига ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қонунчиликка мувофиқ масъулдирлар.

21. Мазкур Низомни тўғри қўллаш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

*Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА*

№ 02041S-сонли шакл

СТИР

Тижорат банкининг тўлиқ номи

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Тижорат банкининг жойлашган жойи  
Почта манзили

рақам

Телефон: код

--	--	--	--	--	--	--	--

--	--	--	--	--	--	--	--

га тақдим этилади.

(рўйхатдан ўтган ҳисобдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

### Тижорат банкининг фойда ва зарарлар тўғрисида ҲИСОБОТИ

йил бошидан \_\_\_\_\_ гача

Код	Таърифи	Номи	Сумма (сўм)
10	Таърифи	Фонзли даромадлар – жами (20+30+40+50+60+70+80+90+100+110+120+130+140 кодлар)	
20	40200	ЎзР МБдаги ҳисобварақлар бўйича фонзли даромадлар	
30	40400	Бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фонзли даромадлар	

Код	Таърифи	Номи	Сумма (сўм)
40	40600	Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар	
50	40700	Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно)	
60	40800	Сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлар	
70	41000	Мижозларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар	
80	41200	Банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан мижозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар	
90	41400 – 44600	Олинадиган ссудалар бўйича фоизли даромадлар	
100	44700	Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар	
110	44800	Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар	
120	44900	Бошқа фоизли даромадлар	
130	45000	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар	
140	45100	Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар	
150	<b>Таърифи</b>	<b>Фоизли харажатлар – жами</b> (160+170+180+190+200+210+220+230 кодлар)	
160	50100 – 51100	Депозитлар бўйича фоизли харажатлар	
170	51600	ЎзР МБдаги тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар	
180	52100	Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар	
190	52600	Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар	
200	53100 – 54100	Тўланадиган кредитлар бўйича фоизли харажатлар	
210	54200	Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар	
220	54300	Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар	
230	54900	Бошқа фоизли харажатлар	
240		<b>Соф фоизли даромад (зарар) (10-код - 150-код)</b>	
250	56802	Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	
260		<b>Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад (240-код - 250-код)</b>	
270	<b>Таърифи</b>	<b>Фоизсиз даромадлар — жами</b> (280 + 290 + 300 + 310 + 320 + 330 кодлар)	
280	45200	Фоизсиз даромадлар	
290	45400	Хорижий валюталардаги фойда	
300	45600	Тижорат операцияларидан олинган фойда	
310	45700	Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шуъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	
320	45800	Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар	
330	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	
340		<b>Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад + фоизсиз даромадлар (260-код + 270-код)</b>	
350	<b>Таърифи</b>	<b>Фоизсиз харажатлар — жами</b> (360 + 370 + 380 + 390 + 400 + 410 кодлар)	
360	55100	Фоизсиз харажатлар	
370	55300	Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар	
380	55600	Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар	
390	55700	Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шуъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар	
400	55800	Инвестициялардан кўрилган зарарлар	
410	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	
420		<b>Операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад (340-код - 350-код)</b>	
430	<b>Таърифи</b>	<b>Операцион харажатлар – жами</b> (440 + 450 + 460 + 470 + 480 + 490 + 500 + 510 кодлар)	
440	56100	Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	
450	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	
460	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	
470	56400	Маъмурий харажатлар	
480	56500	Репрезентация ва хайрия	
490	56600	Эскириш харажатлари	
500	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	
510	56800	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (56802-ҳисобварақдан ташқари)	
520		<b>Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф даромад (420-код - 430-код)</b> (Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар молиявий натижа)	
530	56900	<b>Даромад солиғини баҳолаш (даромад (фойда) солиғи суммаси)</b>	
540		<b>Ҳисобот давридаги соф даромад (зарар) (520-код - 530-код)</b>	

<b>Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:</b>		<b>Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади</b>	
Раҳбар:		Ушбу хабарнома	
СТИР	<input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)	
Ф. И. Ш.	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда	<input type="checkbox"/> электрон кўринишида
Имзо	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> шахсан	<input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Бош ҳисобчи		<input type="text"/>	варақда тақдим этилди
СТИР	<input type="text"/>	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	
Ф. И. Ш.	<input type="text"/>	(кк/оо/йй)	
Имзо	<input type="text"/>	Ф.И.Ш. <input type="text"/>	
Сана (кк/оо/йй)	<input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	Имзо <input type="text"/>	

М.Ў.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
**2-ИЛОВА**

№ 02041S-сонли шакл

СТИР

Кредит уюшмасининг тўлиқ номи \_\_\_\_\_

Кредит уюшмасининг жойлашган жойи \_\_\_\_\_

Почта манзили \_\_\_\_\_

Телефон: код  рақам

га тақдим этилади.

(руйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

**Кредит уюшмасининг фойда ва зарарлар тўғрисида  
ҲИСОБОТИ**  
йил бошидан \_\_\_\_\_ гача

Код	Таърифи	Номи	Сумма
10	Таърифи	Фоишли даромадлар — жами (20 + 30 + 40 + 50 + 60 кодлар)	
20	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоишли даромадлар	
30	40600	Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоишли даромадлар	
40	42000 - 44400	Ссудалар бўйича фоишли даромадлар	
50	44800	Инвестициялар бўйича фоишли даромадлар	
60	44900	Бошқа фоишли даромадлар	
70	Таърифи	Фоишли харажатлар — жами (80 + 90 + 100 кодлар)	
80	50600 - 51100	Жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича фоишли харажатлар	
90	53100 - 54100	Тўланадиган ссудалар бўйича фоишли харажатлар	
100	54900	Бошқа фоишли харажатлар	
110		Соф фоишли даромад (зарар) (10-код - 70-код)	
120	56802	Ссудалар ва бўнақлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	
130		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоишли даромад (110-код - 120-код)	
140	Таърифи	Фоиhsиз даромадлар — жами (150 + 160 + 170 + 180 кодлар)	
150	45200	Фоиhsиз даромадлар	
160	45600	Қимматли қоғозлар билан тижорат операцияларидан олинган фойда	
170	45800	Инвестициялардан олинган фойда	
180	45900	Бошқа фоиhsиз даромадлар	
190		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоишли даромад + фоиhsиз даромадлар (130-код + 140-код)	
200	Таърифи	Фоиhsиз харажатлар — жами (210 + 220 + 230 + 240 кодлар)	
210	55100	Воситачилик харажатлари ва хизматлар учун қилинган харажатлар	
220	55600	Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар	
230	55800	Инвестициялардан кўрилган зарарлар	

Код	Таърифи	Номи	Сумма
240	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	
250		Операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад (190-код - 200-код)	
260	Таърифи	Операцион харажатлар (270 + 280 + 290 + 300 + 310 + 320 + 330 кодлар)	
270	56100	Ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинадиган бошқа харажатлар	
280	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	
290	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	
300	56400	Маъмурий харажатлар	
310	56600	Эскириш харажатлари	
320	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	
330	56800	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (56802-ҳисобварақдан ташқари)	
340		Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф даромад (250-код - 260-код) (Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар молиявий натижа)	
350	56900	Даромад солиғини баҳолаш	
360		Ҳисобот давридаги соф даромад (зарар) (340-код - 350-код)	

Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:		Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади	
Раҳбар:		Ушбу хабарнома	
СТИР	<input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)	
Ф. И. Ш.	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда	<input type="checkbox"/> электрон кўринишида
Имзо	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> шахсан	<input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Бош ҳисобчи		<input type="checkbox"/>	варақда тақдим этилди
СТИР	<input type="text"/>	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	
Ф. И. Ш.	<input type="text"/>	(кк/оо/йй)	
Имзо	<input type="text"/>	Ф.И.Ш. <input type="text"/>	
Сана (кк/оо/йй)	<input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	Имзо <input type="text"/>	

М.Ў.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

№ 02041S-сонли шакл

СТИР

Микрокредит ташкилотининг тўлиқ номи \_\_\_\_\_

Микрокредит ташкилотининг жойлашган жойи \_\_\_\_\_

Почта манзили \_\_\_\_\_

Телефон: код

рақам

га тақдим этилади.

(руҳхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

Микрокредит ташкилотининг фойда ва зарарлар тўғрисида  
ҲИСОБОТИ  
йил бошидан \_\_\_\_\_ гача

Код	Таърифи	Номи	Сумма
10	Таърифи	Фоизли даромадлар — жами (20 + 30 + 40 + 50 + 60 кодлар)	
20	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	
30	42000 – 44500	Кредитлар бўйича фоизли даромадлар	
40	44700	Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар	

Код	Таърифи	Номи	Сумма
40	44700	Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар	
50	44900	Бошқа фоизли даромадлар	
60	45100	Микролизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар	
70	<b>Таърифи</b>	<b>Фоизли харажатлар — жами (80+90 кодлар)</b>	
80	53100 – 54100	Тўланадиган кредитлар бўйича фоизли харажатлар	
90	54900	Бошқа фоизли харажатлар	
100		<b>Соф фоизли даромад (зарар) (10-код - 70-код)</b>	
110	56802	Микрозайм ва микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	
120		<b>Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад (100-код - 110-код)</b>	
130	<b>Таърифи</b>	<b>Фоизсиз даромадлар — жами (140 + 150 кодлар)</b>	
140	45200	Фоизсиз даромадлар	
150	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	
160		<b>Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан ва фоизсиз даромадлар қўшилганидан сўнг соф фоизли даромад (120-код + 130-код)</b>	
170	<b>Таърифи</b>	<b>Фоизсиз харажатлар — жами (180 + 190 + 200 кодлар)</b>	
180	55100	Воситачилик харажатлари ва хизматлар учун қилинган харажатлар	
190	55600	Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар	
200	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	
210		<b>Операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад (160-код - 170-код)</b>	
220	<b>Таърифи</b>	<b>Операцион харажатлар (230 + 240 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290 кодлар)</b>	
230	56100	Ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинадиган бошқа харажатлар	
240	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	
250	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	
260	56400	Маъмурий харажатлар	
270	56600	Эскириш харажатлари	
280	56700	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	
290	56800	Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (56802-ҳисобварақдан ташқари)	
300		<b>Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолдаги соф даромад (210-код - 220-код)</b>	
310	56900	Даромад солиғини баҳолаш	
320		<b>Ҳисобот давридаги соф даромад (зарар) (300-код - 310-код)</b>	

<b>Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини тасдиқлайман:</b>		<b>Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади</b>	
Раҳбар:		Ушбу хабарнома	
СТИР	<input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)	
Ф. И. Ш.	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> қоғозда	<input type="checkbox"/> электрон кўринишида
Имзо	<input type="text"/>	<input type="checkbox"/> шахсан	<input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Бош ҳисобчи		<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди	
СТИР	<input type="text"/>	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	
Ф. И. Ш.	<input type="text"/>	(кк/оо/йй)	
Имзо	<input type="text"/>	Ф.И.Ш. <input type="text"/>	
Сана (кк/оо/йй)	<input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	Имзо <input type="text"/>	

М.Ў.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**I. ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИНИ ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИШДА СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗАГА КИРИТИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР (ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР ЁКИ ДОИМИЙ ТАФОВУТЛАР)**

1. Рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар, шу жумладан:  
а) вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдори-гача қўшимча ҳақ;  
б) айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатиладиган

коммунал хизматлар, бериладиган овқатлар, маҳсулотлар қиймати, ходимларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, кўрсатилмаган коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсацияси суммаси);

в) жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равишда (қонунчиликда назарда тутилгандан ортиқча) берилган таътилар, улар бўйича компенсация тўловлари;  
г) ходимларга бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки умумий овқатланиш учун ёрдамчи хўжалик-

лар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутлар;

д) қонунчиликда назарда тутилган нормалардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар;

е) тегишли ваколатли органлар қарорларисиз тўланадиган, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар туфайли меҳнат қилиш лаёқатини йўқотишлар билан боғлиқ нафақалар;

ж) хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар;

з) ходимларга байрам ва муҳим сана билан боғлиқ рағбатлантирувчи бир марта бериладиган мукофотлар;

и) ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

к) ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақиға, даволаниш ва дам олишга, экскурсияларга ва саёҳатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўғаракларда, клублардаги машғулотларга, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашишга, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ҳамда бошқа шу кабиларга тўловларга);

л) пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

м) ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ходимнинг жароҳатланиши ёки бошқа тарзда соғлиғига шикаст етказилиши ва ходим оила аъзоларининг вафоти муносабати билан бериладиган моддий ёрдамдан ташқари.

2. Нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар.

3. Суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча ажратмалар, мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари бундан мустасно.

4. Қонунчиликда белгиланган норматив ва нормалардан ортиқча вакиллик харажатлари.

5. Юқори органлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқа харажатларига ажратмалар.

6. Умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар.

7. Ходимларнинг ихтиёрий суғуртасига ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар, мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари харажатлари бундан мустасно.

8. Кредит ташкилотлари соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари.

9. Лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунгача содир бўлган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, занглашдан ҳимоя қилишдаги камчиликлар оқибатида текшириб кўриш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки нобудгарчиликлар учун жавобгар етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундириш мумкин бўлмаган миқдорда қопланади.

10. Қатнашчилардан (мулкдорлардан) бирининг ташаббуси бўйича амалга оширилган аудиторлик хизматлари учун тўлов.

11. Ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларига сарфланган харажатлардан кўрилган зарарлар.

12. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари.

13. Маҳсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва шаҳарча-

ларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари) билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сарфланган харажатлар.

14. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса), маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

15. Суд харажатлари.

16. Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

17. Кредит ташкилотларининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкни (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқарилиш)дан кўрилган зарарлар, улар томонидан уч йилдан ортиқ ишлатилган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар бундан мустасно.

18. Хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан; маҳсулот етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек, етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар.

19. Солиқ қонунчилиги ва бошқа қонунчиликни бузганлик учун жарима ва пенялар.

20. Тўланган бошқа жарималар.

21. Бошқа операцион харажатлар.

22. Тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

23. Қимматли қоғозларни сотишда юзага келган зарарлар.

24. Қимматли қоғозлар қийматини муддатидан олдин тўлаш муносабати билан вужудга келган дисконт, агар у бюджетдан қарзларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

## **II. УШБУ ДАВРНИНГ СОЛИҚ СОЛИШ БАЗАСИДАН ЧИҚАРИЛМАЙДИГАН, БИРОҚ КЕЙИНГИ ДАВРЛАРНИНГ СОЛИҚ СОЛИШ БАЗАСИДАН ЧИҚАРИЛАДИГАН ХАРАЖАТЛАР**

Қуйида келтирилган харажатларнинг моддалари кредит ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида давр харажатлар сифатида ҳисобга олинади. Бироқ улар солиқ солиш мақсадлари учун уларни солиқ солинадиган базага киритиш учун фойдага қайтадан ҳисобга олинади, сўнгра эса ушбу харажатларнинг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатлардан қайси бирининг (вақтлар бўйича тафовутларнинг) қисқа бўлишига қараб, кейинчалик чиқариб ташланади.

1. Кредитларга доир эҳтимолий йўқотишлар бўйича захираларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча қилинган ажратмалар.

2. Бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларга ажратмалар.

3. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

4. Жадаллаштирилган усул билан ҳисобланган амортизация суммаси ва белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ:

а) асосий воситалар бўйича — солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ;

б) номоддий активлар бўйича — бошланғич қийматидан ва фойдали ишлатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда кредит ташкилотлари томонидан ҳисоблаб чиқилган нормаларга мувофиқ.

5. Филиал фаолиятини бошлашга тайёрлаш устидан техник назорат гуруҳини таъминлаш.

6. Янги очилаётган филиалда ишлаш учун кадрларни тайёрлаш харажатлари.

7. Асбоб-ускуналарни етказиб берган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж харажатлари.



№ 02041S-сонли шакл

СТИР   
Тижорат банкининг тўлиқ номи \_\_\_\_\_

Тижорат банкининг жойлашган жойи \_\_\_\_\_  
Почта манзили \_\_\_\_\_

Телефон: код  рақам

га тақдим этилади

(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

**Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллаш ҳисоб-китоби  
МАЪЛУМОТНОМАСИ\***

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма (сўм)
Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварақлари):	010	
ҳисобот даврининг бошига	0101	
ҳисобот даврининг охирига	0102	
Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиш суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварақлари сальдоси) (0102-сатр – 0101-сатр)	020	
Базавий фоиз ставкаси, % (Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси x 75%)	030	
Ҳисобот даври охирида 50606, 51116 ва 54204 баланс ҳисобварағида акс эттирилган жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми бўйича фоизли харажатлар суммаси.	040	
Ҳисобот даври учун жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг ўртача суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварақлари сальдоси)	050	
Ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган фоиз ставкаси, % [(040-сатр/050-сатр)*100/ҳисобот давридаги ойлар сони]	060	
Фоиз ставкасининг кўпайган қисми, % да (060-сатр – 030-сатр)	070	
Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган харажатлар суммаси (050-сатр x 070-сатр x ҳисобот давридаги ойлар сони)	080	
Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган ҳақиқатдаги харажатлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган даромад (фойда).	090	
Солиқ солинадиган базанинг камайиши	100	
Кўпайиш суммасига тўғри келувчи ҳамда жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари бўйича фоиз ставкасининг ошишига йўналтирилувчи даромад (фойда) солиғи суммаси (100-сатр x даромад (фойда) солиғи ставкаси)	110	

\* Ушбу маълумотнома даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобига илова қилинади.

Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар:	Ушбу хабарнома
СТИР <input type="text"/>	(кераклигига «V» белгиси кўйилсин)
Ф. И. Ш. _____	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишида
Имзо _____	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта орқали <input type="checkbox"/> электрон почта орқали
Бош ҳисобчи	<input type="text"/> варақда тақдим этилди
СТИР <input type="text"/>	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>
Ф. И. Ш. _____	(кк/оо/йй)
Имзо _____	Ф. И. Ш. _____
Сана (кк/оо/йй) <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	Имзо _____

М.Ў.

Маълумот учун:

1. Базавий фоиз ставкаси (030-сатр) ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сон Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги ойлик қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизи миқдоридан белгиланади. Агар ҳисобот даври мобайнида базавий фоиз ставкаси ўзгарса, унда ҳисоб-китоб қилишда ушбу ҳисобот даврида охириги қабул қилинган базавий фоиз ставкаси олинади. Бўшаган маблағларнинг жисмоний шахсларнинг жалб қилинган муддатли омонатлари бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтирилганлигини тасдиғи бўлиб, фоиз ставкаларининг мутлақ ошишини эмас, балки базавий фоиз ставкага нисбатан омонатлар бўйича фоизлар ошишининг кўпайганлиги ҳисобланади.

2. Ҳисобот даври учун жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг ўртача суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварақлари сальдоси) қуйидагича аниқланади:

чорак учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + 1.03 + 1.04.2007/2) / 3$ ;

ярим йил учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + \dots + 1.06 + 1.07.2007/2) / 6$ ;

9 ой учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + \dots + 1.09 + 1.10.2007/2) / 9$ ;

йил учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + \dots + 1.12 + 1.01.2008/2) / 12$ .

3. Агарда 090-сатрдаги сумма:

020-сатрдаги суммадан катта бўлса, 100-сатрга 020-сатрдаги сумма қўйилади;

020-сатрдаги суммадан кичик бўлса, 100-сатрга 090-сатрдаги сумма қўйилади.

4. Солиқ имтиёзлари берилиши натижасида бўшаган ва жисмоний шахсларнинг жалб қилинган муддатли омонатлари бўйича фоиз ставкаларини оширишга йўналтирилган маблағлар суммаси «Омонатларнинг кўпайиши ҳисобига бўшаган маблағлар» номли алоҳида ҳисобварақда акс эттирилиши лозим.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

### ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРИ, ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР БЎЙИЧА ОМОНАТЛАРИ ВА ЖОЙЛАШТИРИЛГАН ЖАМҒАРМА СЕРТИФИКАТЛАРИ ҲАЖМИНИНГ КЎПАЙИШИ ҲИСОБИГА ИМТИЁЗЛАРНИ ҚЎЛЛАШГА ДОИР ШАРТЛИ МИСОЛ

1. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми суммаси:

ҳисобот даври бошига 1000 минг сўмни ташкил этган (0101-сатр);

ҳисобот даври охирига 1920 минг сўмни ташкил этган (0102-сатр);

кўпайиш эса 920 минг сўмни ташкил этган (020-сатр).

2. Базавий фоиз ставкаси (БФС) 0,9% ни (030-сатр) ташкил этган бўлиб, қуйидаги формула билан аниқланади:

$B_{\text{ФС}} = \text{ҳисобот санасига МБ қайта молиялаш ставкаси} \times 75\% = 1,2\% \times 75\% = 0,9\%$

3. Ҳисобот даврига ҳисоблаб чиқарилган фоиз ставкаси (ҲФС) 2,8% ни (060-сатр) ташкил этади ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$H_{\text{ФС}} = (F_{\text{Х}}/O_{\text{ЎС}}) \times 100\% / \text{ҳисобот давридаги ойлар сони} = (491/1460) \times 100\% / 12 = 2,8\%$  бунда,

$F_{\text{Х}}$  — ҳисобот даври охирида 50606, 51106 ва 54204 баланс ҳисобварақларида акс эттирилган жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми бўйича фоизли харажатлар суммаси;

$O_{\text{ЎС}}$  — жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг ўртача суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварақлари сальдоси), у қуйидагича аниқланади:

чорак учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + 1.03 + 1.04.2007/2) / 3$ ;

ярим йил учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + \dots + 1.06 + 1.07.2007/2) / 6$ ;

9 ой учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + \dots + 1.09 + 1.10.2007/2) / 9$ ;

йил учун:  $(1.01.2007/2 + 1.02 + \dots + 1.12 + 1.01.2008/2) / 12$ .

4. Фоиз ставкасининг кўпайиши (ФСЎ) 1,9% ни (070-сатр) ташкил этди ва қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

$F_{\text{СЎ}} = H_{\text{ФС}} - B_{\text{ФС}} = 2,8\% - 0,9\% = 1,9\%$

5. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган

жамғарма сертификатлари бўйича фоиз ставкасини оширишга қилинган харажатлар суммаси (ФСОХ) 332,9 минг сўмни (080-сатр) ташкил қилади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$F_{\text{СОХ}} = F_{\text{СЎ}} \times O_{\text{ЎС}} \times \text{ҳисобот давридаги ойлар сони} = 1,9\% \times 1460 \times 12 = 332,9$  минг сўм.

6. Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган ҳақиқатдаги харажатлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база (ҲСБ) 1958,2 минг сўмга (090-сатр) тенг, у қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

$H_{\text{СБ}} = F_{\text{СОХ}} \times 100 / \text{даромад (фойда) солиғи ставкаси} = 332,9$  минг сўм  $\times 100 / 17 = 1958,2$  минг сўм.

7. Солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) камайиш суммаси қуйидаги тартибда аниқланади. Агарда 090-сатрдаги сумма:

020-сатрдаги суммадан катта бўлса, 100-сатрга 020-сатрдаги сумма қўйилади;

020-сатрдаги суммадан кичик бўлса, 100-сатрга 090-сатрдаги сумма қўйилади.

Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган ҳақиқатдаги харажатлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган даромад (фойда) суммаси (090-сатр) жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиш суммасидан (020-сатр) катта, яъни  $1958,2 > 920$ . Мос равишда, бўшаган маблағларни (кўпайиш суммасига тўғри келувчи даромад (фойда) солиғи суммаси, яъни  $156,4$  минг сўм  $= 920 \times 17 / 100$ ) юқорида кўрсатиб ўтилган омонатлар бўйича фоизларни оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан, солиқ солинадиган даромад (фойда) 920 минг сўмга камайтирилади.

